

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил сентябрь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди ўз биносида, жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди билан видеоконференцалоқа режимида, очиқ суд мажлисида, судья М.А.Хакимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Имомовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шўрчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Усмонов, судланувчи Ж.М ва унинг ҳимоячиси П.Хасанов, фуқаровий даъвогар М.Онинг иштирокида, судланувчи М.Ж.Нга оид 1-1905-2302/286-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

М.Ж.Н (М.Ж.Н), 0000 йил 00 июлда Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2019 йил 10 май кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2020 йил 16 июнь кундаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, Қумқўрғон тумани, “Б” маҳалласида доимий рўйхатда туриб, туманнинг “Н” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи М.Ж.Н, фирибгарлик яъни яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг пул маблағларини қўлга



киритиш мақсадида, 2023 йил 6 февраль куни ўзига олдиндан таниш бўлмаган Денов тумани, “Д” маҳалласида яшовчи фуқаро О.М.Тга Тошкент шаҳар, С тумани, Ж кўчаси, 00-уйда яшовчи фуқаро А.А.Ани номига расмийлаштирилган қизил рангли “М” русумли 01 О 000 00 давлат рақам белгили автомашинасини 42.000.000 сўмга ўзаро оғзаки келишувга асосан сотиб, унга ушбу автомашинани бир ҳафта ичида ҳужжат қилиб беришлигини айтиб ваъда бериб, унинг ишончига кириб, ушбу гапларига уни ишонтириб, ундан жами бўлиб 36.500.000 сўм пулларини олиб, ваъда қилинган бир ҳафта ичида мазкур автомашинани унинг номига ҳужжат қилиб бермасдан, машинани сотишдан тушган 36.500.000 сўм пулларни ҳам қайтариб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, уни алдаб кетган.

Натижада, Ж.М фуқаровий даъвогар М.Ога жами бўлиб 36.500.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Судланувчи М.Ж.Н суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, 2023 йил февраль ойи бошида ўзи бошқариб юрган Тошкент шаҳридан пулини бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган М русумли 01 О 000 00 давлат рақам белгили автомашинасини Денов тумани яшовчи М.Ога 42.000.000 сўмга ўзаро оғзаки келишувга асосан сотиб, М.Одан автомашина учун 36.500.000 сўм пулларни олганлигини, автомашинани бир ҳафта ичида М.Онинг номига ҳужжат қилиб беришга келишганлигини, аммо автомашинани М.Онинг номига ҳужжат қилиб бермасдан, ундан олган пулларни ҳам қайтариб бермасдан уни алдаб кетганлигини, тергов жараёнида шу М автомашинасини М.Они номига расмийлаштириб берганлигини, яъни унга етказилган зарарни қоплаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар О.М.Т видеоконференцалоқа режимида суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам М.Ж 2023 йил февраль ойи бошида унга қизил рангли М русумли 01 О 000 00 давлат рақам белгили автомашинасини 42.000.000 сўмга сотишини айтганлигини, Ж.М билан ўзаро келишиб, шу автомашинани 36.500.000 сўмга сотиб олишга келишиб, унга 36.500.000 сўм пулларни бериб юборганлигини, автомашинани бир ҳафта ичида уни номига ҳужжатлаштириб беришини айтганлигини, бироқ Ж.М автомашинани уни номига ҳужжатлаштириб бермасдан, автомашина учун олган пулларини қайтариб бермасдан уни алдаб кетганлигини, шу сабабли Ж.Мни ҳаракатларидан норози бўлиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, тергов жараёнида Ж.М М автомашинасини уни номига ҳужжатлаштириб берганлигини, яъни унга етказилган зарар қопланганлигини, шу сабабли судланувчи Ж.Мга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи М.Ж.Ннинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрор, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик



билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган фуқаровий даъвогар М.Онинг кўрсатуви, жиноят ишида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Ж.Ннинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкни қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Ж.Ннинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий ва моддий аҳволини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳамда унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекс 54-моддасининг 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига мувофиқ, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда



индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

Мазкур Пленум Қарорининг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги;

15-бандида, судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилганлиги;

16-бандида, судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозимлиги, жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инobatга олиниши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Ресубликаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги 4-сонли Қарорининг 9-бандига кўра, Жиноят кодекси



Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181<sup>1</sup>, 184, 185<sup>2</sup>, 192<sup>4</sup>, 192<sup>11</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади.

Суд, судланувчи Ж.Мга жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларига риоя қилиб, унинг содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвори яъни етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилганлигини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни, юқоридаги барча жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ва хусусан айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан камроқ жарима жазоси тайинлашни, жаримани жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори яъни 300.000 сўмдан келиб чиқиб ҳисоблаб, жаримани давлат даромадига ундиришни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни ўрни тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчи Ж.Мга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

М.Ж.Н (М.Ј.Н) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

М.Ж.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари, яъни 12.000.000 (ўн икки миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.



Ж.Мга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни ўрни тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчи Ж.Мга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида, маҳкум ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**М.Ҳакимов**

**Аслига тўғри**

